

УДК: 316.774

DOI:10.36078/1581927867

**КРАУДСОРСИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ ТАВСИФИ ВА УНИНГ  
АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ  
(“theguardian.com” интернет нашри мисолида)**



**Ситора Баходир қизи ХОЛМАТОВА**  
Магистрант  
Ўзбекистон журналистика ва  
оммавий коммуникациялар университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
[sitora.xolmatova@mail.ru](mailto:sitora.xolmatova@mail.ru)

**Аннотация**

Бугунги кунда инсоният янги ахборот инқилобини бошдан кечирмоқда. Мазкур жараённинг жадаллашуви ва янги босқичга кўтарилишида эса интернетнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс бўлиб, у жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш қувватига эга. Мақолада мазкур жараённинг жадаллашувида интернетдаги манбаларнинг ўрни, улардан фойдаланиш технологияси краудсорсинг мисолида очиқ берилган. Унда интернет нашрларнинг ахборот манбалари билан ишлашдаги замонавий усули — краудсорсинг технологиясининг самараси ҳақида сўз юритилади. Мазкур технологиянинг афзалликлари ҳамда вазибалари таҳлил қилинади. Краудсорсинг муаллиф томонидан классификацияланган категориялар асосида ўрганилган. Бироқ миллий интернет нашрларимиз бу технология имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланмаётгани, бу борада амалиётга мурожаат этиш зарурлиги таъкидланади. Жаҳон тажрибаси сифатида Буюк Британиянинг “theguardian.com” интернет нашри фаолияти келтирилади. Мазкур интернет нашр краудсорсинг технологиясидан оқилона фойдаланаётган ОАВ бўлиб, унинг бошқа онлайн нашрлардан фарқи келтириб ўтилади. Шунингдек, краудсорсинг турлари, имкониятлари, унинг контент яратишдаги қулайликлари, имкониятлари бу нашр мисолида таҳлил этилади. Таҳлиллар натижасида хулосалар келтирилган бўлиб, жаҳондаги етакчи интернет нашрнинг илғор тажрибасини миллий оммавий ахборот воситаларимиз фаолиятида ташкил қилиш нашрларимизни ҳам шаклан, ҳам контент жиҳатидан бойитишида самарали восита саналади.

**Калит сўзлар:** краудсорсинг; краудфандинг; “фикрлар бозори”; ахборот манба;  
Comment is free; Guardian sports.

## ОПИСАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ КРАУДСОРСИНГА И ЕЕ ПРИМЕНЕНИЕ НА ПРАКТИКЕ

(на примере интернет-издания “theguardian.com”)

Ситора Баходир кизи ХОЛМАТОВА

Магистрант

Университет журналистики и  
массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

[sitora.xolmatova@mail.ru](mailto:sitora.xolmatova@mail.ru)

### Аннотация

Сейчас человечество переживает новую информационную революцию. Роль и значение Интернета в ускорении и продвижении данного процесса неизмеримо велика, так как он имеет огромную силу оказывать влияние на жизнь общества. В статье на примере краудсорсинга объясняется роль и технология использования Интернет-ресурсов в процессе ускорения информационной революции. В статье рассматривается продуктивность технологии краудсорсинга как современный метод работы с информационными ресурсами интернет-изданий. Анализируются преимущества и недостатки данной технологии, а также краудсорсинг изучается на основе классификации, предложенной автором. В статье утверждается, что нужно обращаться больше к практике потому, что национальные интернет-издания данной технологией не пользуются в полную меру. В качестве примера из мировой практики приводится Британское интернет-издание “theguardian.com”. Это онлайн-издание является средством массовой информации, которое эффективно использует краудсорсинг. Приведены отличительные стороны данного издания по сравнению с другими интернет-изданиями. Также на примере данного издания анализируются типы, удобство и возможности для создания контента краудсорсинга. В результате анализа автор приходит к выводу, что лучшие практики ведущих мировых онлайн-изданий в деятельности наших национальных СМИ являются эффективным способом обогащения редакционной работы как по форме, так и по содержанию.

**Ключевое слово:** краудсорсинг; краудфандинг; «рынок мнений»; источник информации; Comment is free; Guardian sports.

## DESCRIPTION OF CROWDSOURCING TECHNOLOGY AND ITS APPLICATION IN PRACTICE

(on the example of an online publication “theguardian.com”)

Sitora Bakhodir kizi KHOLMATOVA

Master's degree student

University of journalism and mass  
communications of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

[sitora.xolmatova@mail.ru](mailto:sitora.xolmatova@mail.ru)

### Abstract

Humanity is now experiencing a new information revolution. The role and importance of the Internet in accelerating and advancing this process is immeasurably important, as it has great power to influence society. The article illustrates the role and technology of using Internet

resources in the process of accelerating the information revolution using crowdsourcing as an example. The article considers the productivity of crowdsourcing technology as a modern method of working with information resources of Internet publications. The advantages and disadvantages of this technology are analysed, as well as crowdsourcing is studied on the basis of categories. The article states that it is necessary to turn to practice more because national Internet publications of this technology are not fully used. The British Internet edition of theguardian.com is cited as an example from world practice. This online publication is a media that uses crowdsourcing effectively. The distinguishing features of this publication are given in comparison with other online publications. Also, the example of this publication analyses the types, convenience and opportunities for creating crowdsourcing content. As a result of the analysis, the best practices of the world 's leading online publications in the activities of our national media are an effective way to enrich publications both in form and content.

**Keywords:** crowdsourcing; crowdfunding; “opinion market”; information source; Comment is free; Guardian sports.

Интернет платформалари сони кундан кун ортиб бораётган шароитда контент яратишнинг ҳам замонавий йўналишлари пайдо бўлмоқда. Уларда, асосан, аудитория кучи ва салоҳиятига таянилмоқда. Яъни, ҳозирги кунда кўплаб интернет нашрлари ўз фаолиятида “ахборот истеъмолчилари” билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Анъанавий ОАВнинг ўз аудиторияси билан бевосита мулоқот қилишига таҳририятга келган хатлар яхши мисол бўла олади. Хатларни босма ОАВ контентини тўлдиришнинг бир усули сифатида баҳолаш мумкин. Ҳозирги кунда кўплаб таҳририятларда алоҳида “хатлар бўлими” мавжуд бўлиб, унда баён этилган мавзунинг ижтимоий юки бўлса, материал шундоқлигича ёки маълум тузатишлар асосида ОАВда босиб чиқарилиши мумкин. Интернет нашрларнинг имконияти анъанавий ОАВдан устунроқ бўлгани сабабли аудитория билан бевосита мулоқотга киришиш учун алоҳида платформалар ташкил қилинган бўлиб, улар орқали интернет нашрлар ўз контентини бойитиш имконига эга бўлмоқдалар.

Бугунги кунга келиб ривожланган давлатларда краудсорсинг технологияси жуда оммалашган ва кўплаб машҳур компаниялар ушбу технология асосида янги товарлар ва хизматларни яратмоқда.

“Краудсорсинг маъноси (инглизча crowdsourcing, crowd — “омма” ва sourcing — “ресурсидан фойдаланиш”) — оддий инсонларнинг яратувчанлиги, тажриба ва билимларига асосланган ҳолда муаммоларни ҳал этиш, янги брендларни яратишдир. Краудсорсинг технологияси ёрдамида инсон ресурсида фойдаланиб бизнес, ижтимоий ва сиёсий муаммоларга ечим топиш мумкин. Илк бора 2003 йил Луис фон Ах (Luis von Ahn) жамоаси билан

биргаликда “инсонлар ҳисобига” яъни, компьютер бажара олмайдиган ишларни жамоавий осон ва тез бажариш мумкин эканлигини краудсорсинг тушунчаси орқали амалиётга татбиқ этади. Аммо бу тушунча журналистиканинг илмий дискурсига 2006 йилга келиб Джефф Хау (Jeff Howe) томонидан олиб кирилди. “Wired” журнали мухбири Джефф Хау (Jeff Howe) ўзининг “Краудсорсингнинг пайдо бўлиши” (The Rise of Crowdsourcing) деб номланган китобида бу тушунчага шундай таъриф беради: “...ақлли компаниялар ... очик оломоннинг яширин қобилиятлари. Меҳнат ҳар доим ҳам бепул эмас, аммо бу — ходимларга одатдагидек ҳақ тўлашдан арзонроқдир. Бу аутсорсинг эмас, краудсорсингдир” (2, 7). Бу феномен даставвал корпоратив тушунча сифатида “истеъмолга киритилган”. Яна бир ғарб олими Брэхам эса краудсорсинг тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: “Компания бирор муаммони ўртага ташлайди. Кўп сонли аудитория бўлса, мазкур муаммо ечимларини таклиф қила бошлайди. Бунда компания ечимлар орасидан ўзи учун энг мақбул бўлганларини танлаб олиш имконига эга бўлади. Бу усул — краудсорсинг деб номланади” (1, 398). Юқоридаги таърифлар асосида краудсорсингни иккита категорияга ажратиш мумкин. Яъни, ҳаётий соҳада (бизнес, ижтимоий ҳаёт, сиёсат) ҳамда муаммонинг ечими (маҳсулот ва контент яратиш, овоз бериш, ечим излаш, ахборот ва фикрларни йиғиш, қўллаб-қувватлаш хизмати) сифатида журналистикада қўллаш мумкин” (4).

Бизнингча, журналистикада мазкур атама маълум бир муаммо ёки мавзу юзасидан ахборот тарқатувчилар ҳамда ахборотнинг истеъмолчилари, яъни аудитория ўртасидаги ҳамкорликни билдиради. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, краудсорсинг бу — бирор мавзуга жамоа томонидан ҳар бир аъзонинг якка тартибда фикр билдириш методи бўлиб, бунда интернет мазкур фаолиятни амалга оширишда махсус платформа вазифасини бажаради. Демак, онлайн журналистикада ижтимоий манбага мурожаат қилиш усули ахборот тайёрлаш ҳамда уни узатиш жараёнини енгиллаштиради. “Манбанинг бу тури орқали журналист бир қанча қулайликларга эга бўлади:

- ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;
- қимматли кадрларни олиш;
- тақриз ёзишда объект ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш;
- маълум муаммо юзасидан турлича ёндашувларни тўплаш;

— фавқулодда ҳолатларда керакли маълумотни ўз вақтида қўлга киритиш каби” (3, 54).

Яна шуниси аҳамиятлики, яратилган ахборот биргина журналистга тегишли бўлмай, балки маълумот тўплашда қатнашган жамоа ҳам муаллифлик ҳуқуқига эга бўлади.

Краудсорсинг технологияси асосида фаолият юритмоқчи бўлган ОАВ жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилиши кўпроқ аудиторияни жалб қилишга ёрдам беради. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлаши керак. Жамоатчилик назорати аудитория ҳамда ОАВ ўртасидаги икки томонлама алоқа ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш бўлиб, нафақат журналистлар, балки муҳоқамада қатнашаётган аудитория ҳам муаммони кўтариб чиқиб, бирор ОАВ орқали унинг муҳоқама қилинишига эришиши мумкин.

Ҳозирги кунда миллий интернет ОАВларимизда жамоатчилик назорати, шарҳ қолдириш имкониятининг мавжудлиги каби краудсорсинг элементларидан фойдаланилмоқда. Аммо мазкур технологияни тўла-тўқис ОАВ фаолиятига татбиқ этиш орқали миллий интернет нашрларимизнинг медиаконтентини янада бойитиш ҳамда аудитория билан “мулоқот майдони”ни шакллантириш мумкин.

Краудсорсингдан оқилона фойдаланиш тажрибасини Буюк Британиянинг интернет нашри ҳисобланадиган “theguardian.com” мисолида кўриб чиқамиз. “theguardian.com (5)”ни краудсорсинг технологияси асосида бир қанча лойиҳаларни амалга ошираётган ҳамда шу орқали аудиторияси сонини кўпайтираётган ОАВ сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Мазкур сайтнинг бошқа онлайн нашрлардан фарқи сифатида унда бир қанча алоҳида платформалар мавжудлигини кўрсатиш мумкин:

- Guardian sports — спортга ихтисослашган платформа;
- The fiver — фойдаланувчи манзилига жўнатма (мақсадли аудиториянинг бир кўриниши деб атаса ҳам бўлади);

— Comment is free — шарҳ қолдириш эркин деб номланувчи платформа;

— Guardian America — Америкадаги аудитория учун мўлжалланган платформа;

— “Comment is free” деб номланадиган платформа краудсорсинг технологиясининг яққол намунаси бўлиб хизмат қилади.

2015 йилда theguardian.com нашри бир қанча йирик интернет ОАВлар қатори (Reuters, Popularscience, Bloomberg) ўз сайтида фойдаланувчиларнинг “шарҳ қолдириш” имкониятини бекор қилди. Бу ҳолатни мазкур нашр муҳаррирларидан бири Эрон Филхофер қуйидагича баҳолайди: “2015 йилда сайтга ташриф буюрувчилар сони “шарҳ қолдириш” имкониятини бекор қилишимиз натижасида кескин камайди. Бу — аудитория ва биз, яъни журналистлар ўртасидаги мулоқотга чек қўйилиши бўлди. Биз журналистика ядроси бўлган аудиториямизни қўлдан бой бермаслигимиз керак эди” (1, 398). Мазкур ҳолатдан сўнг Буюк Британиядаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида шарҳ қолдириш имкониятини қайтариш юзасидан сўровнома ташкил қилинди ва масала ижобий ҳал қилинди.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, theguardian.com краудсорсинг имкониятларидан тўла фойдаланаётган дунёнинг етакчи интернет нашрларидан бири сифатида фаолият юритмоқда. Мазкур сайтдаги бу каби имкониятларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

— ўз аудиториясига шарҳ қолдириш имкониятини беради;

— интернет фойдаланувчилари томонидан йўлланган шикоят ва таклиф кабилар журналист суриштируви ўтказиш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади;

— мазкур сайтни янада такомиллаштириш мақсадида краудфандинг оммавий молиялаштириш лойиҳаси ташкил қилинган;

— аудитория томонидан юбориладиган хабар ва мақолаларни қабул қилиш мақсадида алоҳида платформанинг мавжудлиги;



— “фикрлар бозори” учун алоҳида платформа ташкил қилинган бўлиб, унда журналистлар ҳамда турли соҳа вакиллари ўртасида фикр алмашиш имконияти мавжуд;

— маълум мақсадга йўналтирилган муддатли краудплатформаларнинг ташкил қилиниши;

— theguardian.comда мазкур сайтни янада ривожлантириш мақсадида ҳар ойда ўз аудиторияси ўртасида сўровномалар ўтказилиши.

Интернет фойдаланувчилари мазкур сайтдан рўйхатдан ўтганларидан сўнггина уларга шарҳ қолдириш имконияти берилади ва бу “шарҳ”лар мазкур сайтда эълон қилинган мақолаларнинг бир бўлаги сифатида баҳоланади. Маълумки, XVII–XVIII асрларда кўплаб босма нашрлар бўш иловалар билан чоп қилинган. Бундан мақсад — газетхонларнинг ўз таклиф ва мулоҳазаларини ёзиши, турли қайдлар қилиб бориши бўлган. “theguardian.com” ҳам сайтда эълон қилинган ҳар бир мақола якунида тарихдагидек “бўш иловалар” мавжуд бўлишини таъминлаш учун шарҳ қолдириш усулидан фойдаланмоқда. Бу жаҳоннинг кўплаб етакчи интернет нашрлари томонидан қўлланадиган самарали усул ҳисобланади.

Интернет фойдаланувчилари томонидан йўлланган шикоят, таклиф кабилар журналист суриштируви ўтказиш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилишини қуйидаги мисол орқали кўриб чиқамиз: 2007 йили Буюк Британиянинг полиция хизмати фуқароларга ноқонуний равишда тазйик ўтказётган ҳолатлари кўпайиб кетган. Натижада theguardian.com нашри “The Counted” номли интернет платформа ташкил қилиб, ана шу орқали ўз суриштирувларининг асосий қисмини олиб борган. Бу платформада сайт фойдаланувчилари инглиз полициясининг ноқонуний тазйиқлари муҳрланган видео ҳамда фото материаллар, шунингдек, подкастларни тақдим қилишлари керак бўлган. Бу далиллар асосида сайт журналистлари полициянинг ноқонуний ҳаракатларини фош қилган. Бу журналистик суриштирувнинг субъекти сифатида ОАВдан ташқари кенг оммани ҳам келтириш мумкин.

“theguardian.com” томонидан ташкил қилинган оммавий молиялаштириш, яъни краудфандинг лойиҳаси “Support the Guardian” деб номланади. Мазкур лойиҳа “theguardian.com” сайтининг даромад манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади. “Арзимаган 1 доллар орқали сиз

бизни қўллаб-қувватлашингиз мумкин” мазмунидаги сўзлар мазкур лойиҳада ўз аксини топган бўлиб, аксарият британиялик аудитория бу лойиҳанинг фаол иштирокчилари ҳисобланишади.

Аудитория томонидан юбориладиган хабар ва мақолаларни қабул қилиш мақсадида алоҳида платформа (ижтимоий тармоқларда ҳам) ташкил қилинган. Улардан бири “Eye Witness” бўлиб, интернет фойдаланувчилар бу платформага ўзлари гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисаларга оид исталган кўринишдаги материалларни жойлаштиришлари мумкин. Бу платформани юритиш учун мазкур сайтда алоҳида штат бирлигида “муҳаррир” лавозими жорий қилинган, мазкур ходим келиб тушаётган маълумотларни саралайди, қайта ишлаш лозим деб топилган хабарларни бош муҳаррирга жўнатади.

“Фикрлар бозори” theguardian.com томонидан илк бора амалиётга жорий қилинган бўлиб, интернет фойдаланувчилари томонидан энг кўп муҳокама қилинган соҳа юзасидан экспертлар билан мулоқот ўрнатилади ва тизим пулли хизмат тури ҳисобланади.

Навбатдаги краудсорсинг технологиясининг кўриниши сифатида “овоз бериш”, яъни краудвотингни келтириш мумкин. Бу тизим ОАВ доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган (интернет фойдаланувчилар томонидан берилган) саволлардан таркиб топган бўлиб, савол максимум 140 рамз (символ)дан ташкил топган бўлиши лозим. Сайтга ташриф буюрувчилар тақдим қилинган саволлар рўйхатидан ўзларига маъқул бўлганига овоз берадилар. Энг кўп овоз олган савол эгаси журналист билан биргаликда унга жавоб топишга кўмаклашиш имконига эга бўлади. Буни аудитория сонини кўпайтириш стратегиясининг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўз аудиторияси қамровини кенгайтириш мақсадида сўровномалар ўтказиш усулидан фойдаланади. theguardian.com нашрини бу каби сўровномаларни ноодатий тарзда ўтказадиган ОАВ тури сифатида баҳолаш мумкин. Бизнингча, сўровноманинг интерактив инфографика тарзида ташкил қилингани аудитория эътиборини тортишдаги муҳим элементлардан бири бўлиб хизмат қилади. Мазкур интернет нашр нафақат алоҳида платформаларда, балки ижтимоий тармоқларда ҳам краудсорсинг технологиясидан фаол фойдаланади. theguardian.comнинг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасига (6) аъзо бўлганлар сони ҳозирда 8 миллиондан ортиқни ташкил этмоқда. Мазкур саҳифа орқали таҳририят ўз аудиторияси билан бевосита мулоқот қилиш



имконига эга. Қолдирилган шарҳларга максимум 1 соат вақт оралиғида жавоб берилади. Интернет фойдаланувчиларининг аксарияти ана шу ижтимоий тармоқда шарҳ қолдиришни афзал биладилар. Мазкур саҳифага бир кунда ўртача 200–250 та янгиликлар “share” қилинади. Қолдирилган “шарҳлар”нинг ўртача сони 100тадан 500тагача бўлиб, энг оммабоп мақолаларида уларнинг сони 2–3 мингдан ортади.

“Twitter”да ҳам мазкур нашр ўз саҳифасига эга бўлиб, твитларни ўқувчилар сони қарийб 7,5 миллионни ташкил қилмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Буюк Британиянинг етакчи интернет нашрларидан бири ҳисобланадиган theguardian.com — ахборот манбалари билан ишлашнинг замонавий усулларидан, жумладан, краудсорсинг технологиясидан самарали фойдаланаётган ОАВ тури сифатида ўз аудиторияси билан тўғридан-тўғри мулоқотни яхши йўлга қўя олган. Мазкур нашр фаолиятидаги краудсорсинг каби инновацион ғояларни миллий интернет журналистикамиз амалиётига жорий этиш орқали бу соҳани янада такомиллаштириш мумкин бўлади. Краудсорсинг технологиясини амалиётда қўллаш орқали ҳар бир интернет нашр аудиторияни ўзига жалб эта олиш имкониятига эга бўлиш билан бир қаторда жамоавий онгни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Миллий интернет нашрларимиз фаолиятида бўлса, краудсорсинг технологияси элементларидангина фойдаланилмоқда. Бу ҳолат аудитория ва ОАВ вакиллари ўртасидаги мулоқотга маълум маънода чегара тортиши мумкин. Демак, жаҳон тажрибаси, хусусан, theguardian.com томонидан биринчи бўлиб амалиётга жорий қилинган платформаларни миллий оммавий ахборот воситаларимиз фаолиятида ташкил қилиш нашрларимизни ҳам мазмунан, ҳам контент жиҳатидан бойитишида самарали восита саналади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Brabham D. The Myth of Amateur Crowds // Information, Communication & Society. 2012. — № 3. — P. 394–410
2. Howe J. The rise of crowdsourcing. — New York: Leaf Press, 2008. — 115 p.
3. Витвинчук В. В. Краудсорсинговые технологии в современной российской журналистике// Социодинамика. 2017. — №8. С.50–57.
4. <http://biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/46534-kraudsorsing-nima-yoxud-uning-harakatlar-stratgiyasidagi-orni>
5. [www.theguardian.com](http://www.theguardian.com)
6. <https://www.facebook.com/theguardian/>

#### REFERENCES

1. Brabham D., *Information, Communication & Society*, 2012, No. 3, pp. 394–410.
2. Howe J., *The rise of crowdsourcing*, New York: Leaf Press, 2008, 115 p.
3. Vitvinchuk V. V., *Sotsiodinamika*, 2017, No. 8, pp. 50–57.
4. <http://biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/46534-kraudsorsing-nima-yoxud-uning-harakatlar-stratgiyasidagi-orni>
5. [www.theguardian.com](http://www.theguardian.com)
6. <https://www.facebook.com/theguardian/>

## АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ

УЎК (УДК, UDC): 821.512.122

### АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ КАШФИЁТИ ВА СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ



#### Урак Пазирович ЛАФАСОВ

Филология фанлари номзоди, доцент  
Тошкент давлат  
шарқшунослик институти,  
[lafas1963@gmail.com](mailto:lafas1963@gmail.com)

#### Аннотация

Ушбу мақолада улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирий икки роман ёзганидан сўнг жаҳон адабиётида “ўзбек романлари” тушунчаси пайдо бўлганлиги баён қилинган. Муаллиф ўз фикрини адабиётшунос олим Е.Э.Бертельснинг асосли изоҳи билан тасдиқлаган. Шунингдек Абдулла Қодирийдаги сўз қўллаш маҳоратининг бошқа адиблардан фарқланиб туришини алоҳида таъкидланган. Ёзувчининг “Ўткан кунлар” романидаги сюжет воқеалари аниқ луғавий бирликлар доирасида ривожланиб боргани қайд этилган. Абдулла Қодирий асарида қўллаган муҳим ифодалар исбот келтириш, қиёслаш ва қарама-қарши қўйиш усуллари орқали ёритиб берилган. Ҳар бир фикр тасдиғи учун тошбитик, луғат, ўқув қўлланма, илмий асар ва монографиялардан иқтибослар келтирилган. Ёзувчи асарида моҳирона қўлланган синонимлар ҳамда бадиий қолиплар ҳақида кенг изоҳлар шарҳланган. Ўз навбатида адиб томонидан ишлатилган қофияли наср, метафора, ўхшатиш ва истиора каби бадиий санъатларининг аҳамияти очиб берилган. Таҳлил давомида Абдулла Қодирийнинг ўзбекона ва исломий тарбия масаласига, ўзбекларнинг тўй-маросимлари, кийиниш маданияти ва миллий урф-одатларига катта эътибор қаратганлигига алоҳида урғу берилган. Шу аснода синчков адиб сўзларнинг кўп ва кенг маънолилигидан ҳамда мос иборалардан ўз ўрнида фойдалангани атрофлича изоҳланган. Муаллиф Абдулла Қодирийнинг ўзига хос услубда ўзбек миллий романларини яратганлигини исботлаб берган. Бунда у ўзбек тилининг кенг имкониятлари ва ўзининг ёзувчилик қобилиятини унумли фойдаланганлиги аниқ эътироф этилган.

**Калит сўзлар:** Абдулла Қодирий; ўзбек романлари; тасвир; бадиий; сўз қўллаш; маҳорат.

#### АБДУЛЛА КАДЫРИ КАК МАСТЕР СЛОВА

#### Урак Пазирович ЛАФАСОВ

Кандидат филологических наук, доцент  
Ташкентский государственный институт востоковедения  
Ташкент, Узбекистан  
[lafas1963@gmail.com](mailto:lafas1963@gmail.com)

### Аннотация

В статье изучается вопрос о том, как возникло понятие *узбекский роман* в мировой литературе после написания узбекским писателем Абдуллой Кадыри двух своих романов. Автор подтверждает свою мысль мнением учёного-литературоведа Е.Э. Бертельса. Он также указывал на мастерство Абдуллы Кадыри, которое отличает его от других писателей. Сюжетная линия романа писателя “Ўткан кунлар” («Минувшие дни») развивается в рамках точных словарных единиц. Выражения, использованные в произведении Абдуллы Кадыри, исследованы с помощью методов доказательства, сравнения и сопоставления. Каждое мнение автора подтверждено цитатами из древних источников, учебников, учебных пособий и монографий. Явление синонимии и художественной формы, мастерски использованные писателем, подробно описаны автором данной статьи. В статье раскрыта суть используемых Кадыри рифмованных метафор, аналогий, уподоблений и т.д. Особо отмечается, что писатель обращал особое внимание на вопросы воспитания в восточном духе и в традициях ислама, на свадебные церемонии у узбеков, культуру одежды и национальные традиции народа. На этой основе Абдулла Кадыри к месту и мастерски использует многозначные слова. Автору удалось доказать своеобразие языка, стиля романов Абдуллы Кадыри. При этом он показал, что писатель использовал как многообразие узбекского языка, и так и свой великий писательский дар.

**Ключевые слова:** Абдулла Кадыри; узбекский роман; описание; художественный; мастерство слова.

### ABDULLA KADIRI'S DISCOVERY AND SKILL OF USING WORDS

**Urak Pazilovich LAPASOV**

Candidate of Philological Sciences, Assistant Professor

Tashkent State Institute of Oriental Studies

[lafas1963@gmail.com](mailto:lafas1963@gmail.com)

### Abstract

The article is dedicated to the great Uzbek novelist Abdulla Kadiy and that is known as “Uzbek Novels” in world literature.

The author confirmed his ideas relied on the great specialist in literature E.Bertels and at the same time, he mentioned that Abdulla Kadiy's skill of usage of words differs from other writers. The great novel “Passed days” was written with clear literal unities. He described the ideas using such kind of literary terms as comparison, confirmation and contrast. The article mentions the meaning of synonymous words and their use in the novel. Also, we can notice the meaning of the metaphor, assimilation and comparison. He mentioned that Abdulla Kadiriy used suitable words in order to describe national traditions, emotions and feelings. The writer used unusual word combinations and phrase. As a fact, the author mentioned Great Writer's skill of using words and word combinations.

**Keywords:** Abdulla Kadiri; Uzbek; novels; image; literal; usage of words; skill.

Абдулла Қодирийнинг икки асари дунё юзини кўргач, жаҳон адабиётида “ўзбек романлари” тушунчаси пайдо бўлди. Буни таниқли адабиётшунос Е. Э. Бертельснинг қуйидаги фикри ҳам тасдиқлайди: Эрон, турк, араб

ёзувчларининг ҳам кўпгина романлари бор. Лекин уларники услуб жиҳатдан инглиз, француз, немис романчилик мактабларидан жилла фарқ қилмайди, уларда тақлидчилик бор. Абдулла Қодирий ҳам кўпгина романчилик мактабларидан чуқур ўрганган бўлиши мумкин. Аммо унда тақлидчилик кўринмайди. Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир (6, 15).

Ҳар қайси ёзувчи ўзининг сўз қўллаш маҳорати билан бошқа адиблардан фарқланиб туради. Бу ҳолат ўша сўз устасининг ўзгача услубини намоён этади. Ўзбек миллий романчилигининг асосчиси, буюк сўз заргари Абдулла Қодирий асаридаги воқеалар тизимини маълум тушунчалар замирида узвий боғлаган. Адиб “Ўткан кунлар” романи сюжетини асосий тушунчалар асосида бирлаштириб, воқеаларни эса мазкур луғавий бирликлар доирасида ривожлантириб борган.

Абдулла Қодирий ўз асарида *бек*, *бекач*, *қутидор* (*қутичи-қутчи*), *ошиқ*, *суюкли*, *совчи*, *тўй*, *қизлар мажлиси*, *келинчак*, *куёв*, *сиз ўшамми?*, *уйланиб қўйиши*, *сиҳрланган ўғли*, *отанинг мулоҳазаси*, *яқуний қарор* каби ифодалар билан воқеалар силсиласини ўзаро боғлаган.

“Бек” сўзининг маъноси “Култегин” битигтошида *бошлиқ* (1, 106), “Туркий сўзлар луғати” асарида *бошлиқ* (3, 107), “*мустаҳкам*”, “*маҳкам*” (3, 321) тарзида берилган. Ушбу “*бек*” ва “*бекач*” (аслида “*бекаж*”) атамалари жинс категориясига кўра фарқланиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Масалан: — *Бу қандай чопон? — деб сўради Бек* (5, 51). — *Мана, Бекачим*, — *деди кулиб Тўйбека* (5, 52). Мазкур терминда аслзодалик мақоми мужассамдир. Таъкидлаш жоизки, бу атама рус тилидаги “*гражданин*” маъносини бера олади, хатто ифода кўлами ўша сўздан юз чандон ортиқ туради. Шунинг учун ҳозир Ўзбекистонда расмий услубда қўлланаётган арабча “*фуқаро*” (гадой) атамасининг ўрнига “*бек*” (“*бека*”) терминини қўллаш вақти етиб келди, деб ҳисоблаймиз.

“Қутидор” атамаси Қўқон хонлигида қўлланган ва кейинги даврларда шакллангани билан ажралиб туради. Аслида ушбу терминнинг асоси “*қут*” (*бахт*) бўлиб, “*қутжи*” (*қутчи*) “*қутичи*” шакллариغا эга. Мазкур “*қутжи*” этнонимнинг ўзаги “*қут*” (*бахт*) бўлиб, унга – жи сўз ясовчи қўшимчасининг қўшилишидан юзага келган ўзбекларнинг аслзода уруғларидан бирининг номидир. Ушбу уруғ туркийларни озодликка олиб чиққан буюк *Қутлуқ* (*Қут+луғ*), яъни Элтариш хоқоннинг авлодлари саналади. Хоқоннинг исми

Хитой манбаларида Гудулу (1, 65) шаклида учрайди. Қутлукхон хитойликлар истилосига қарши кўзғолон кўтарганлиги ва кийинчалик Элтариш номини олганлиги ҳақидаги маълумот туркийшунос олим Насимхон Раҳмонов томонидан ҳам келтирилган (9, 55). Шу боис Бухоро амирлигига ҳам, Қўқон хонлигига ҳам бош вазир (қутбеги, яъни кушбеги) Хоразмдан қўйилган. Ўта даражада ақлли ҳамда бой бўлганликлари боис давлат, ҳукмдор ва мансабдорларга ҳомийлик (кутичилик, кутидорлик) қилишган. Ёзувчига нисбатан тухмат тошлари ёғила бошлагач, Абдулла Қодирийга нисбатан очик тухматлар авж олгани сабабли мазкур атамани “кутидор” шаклида форсча кўшимча кўшиб қўллашга мажбур бўлган. Чунки шўролар унга “ўзбекларни улуғлапти”, “миллатчиликни тарғиб қилмоқда” деган айбларни танғий бошладилар.

**Ошиқ** Бек йигит романнинг асосий қаҳрамонларидан биридир. Адиб “севувчи” (туркий), “*ошиқ*” (арабий), “махбуб” (арабча), “хуштор” (форсча) сингари маънодош сўзлардан исломий асосга эга бўлганини танлаб қўллаган. Ёзувчи Отабекнинг сурат ва сийратини қуйидагича тасвирлайди: “*огир табиъатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит*” (5, 11).

Абдулла Қодирий тасвирда феъл-атворга нисбатан “огир”, жуссанинг йириклигига нисбатан “улуғ” сўзини қўллаган. Юз-кўз тасвирида эса *оқ* ва *қора* ранглар мослиги ўз аксини топган. Буларнинг ҳаммасини **саж** бадий санъати воситасида берган. Романда Отабекка берилган юксак таърифлардан бири унинг “хон қизиға лойиқ бир йигит” эканлигидир. Бизга маълумки, туркийларда ҳукмдорлар “хон” (хан) деб аталган (4, 172). Асардаги муҳим воқеалардан бири Отабекнинг Кумушбибини тасодифан кўриб ошиқ бўлиб қолишидир. Ёзувчи бу ҳолатни бекнинг уйқусираб айтган гўзал ифодалари билан яна **қофияли наср** орқали тасвирланган: “*Ой каби юзлар, кулиб боқишлар, чўчиб қочишлар... Уфф*” (5, 27). Отабекнинг сирини кашф қилган маънавий падари Ҳасанали ота “*Муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир*” (5, 31) деб таъкидлайди. Кўриш мумкинки, Абдулла Қодирий тилимизда мавжуд “севги” (туркий), “муҳаббат” (форсий), “ишқ” (арабий) синонимларидан энг жозибадорини танлаган.

**Суюкли** Кумушбиби сеvgи можаросида ошиқ йигитни ишққа мубтало қилган махбубадир. Абдулла Қодирий бу ўринда “суюкли, севимли” (туркий), “маъшуқа” (арабий), “махбуба” (арабий), “дилдор” (форсча) синонимлардан ўзбекона шаклини танлаган: *Шу чоқда бизга Отабек керак эди! Нега десангиз,*



ул келсин эди-да, **суйганини** бир кўрсин эди (5, 57). Адиб Кумушбибининг сурати (кўриниши) тасвирини қуйидаги ҳолатда қоғозга туширилган: “**унинг қора зулфи** пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ **жинггила кипрак** остидаги **тимқора** кўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... **қоп-қора камон**, ўтиб кеткан **нафис**, **қийиғ қошлари** чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... **тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи** бир оз қизилликка айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган **қора холини қашиди** ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сарик рупоҳ атлас қўйнакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқ-да эди. Туриб ўлтургач бошини бир силкитди-да, ижирганиб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб жонсўз бир суратка киргизди. Бу **қиз суратида кўринган малак** қутидорнинг қизи — **Кумушбиви** эди (5, 32–33). Ёзувчи сочни “зулф” синоними орқали тасвирлаган. Киприкка нисбатан “жинггила”, кўз нисбатан “тимқора”, қошга нисбатан “камон”, “нафис”, “қийиғ” юзга нисбатан “тўлган ойдек”, “ғуборсиз оқ” ифодалари қўллаган. Кумушбибининг юзидаги холига нисбатан “табиъатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган” таърифини ишлатган. Туркий адабиётда инсон хуснига ҳусн қўшган холини таърифлаш ҳар доим учрайди. Туркийлар катта ва кичик холини алоҳида ном билан атаган. Алишер Навоий ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида шундай ёзган эди: *Ва ҳусн таърифида улугроқ холгаким, турклар менг от қўюптурлар, алар (форслар) от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким.* Хоразмийнинг байти: *Анингким, ал энгинда менг яратти, Бўйи бирла сочини тенг яратти* (8, 12). Адиб ушбу тасвирда асл туркий сўз (**қашимоқ**)дан ҳам фойдаланган (2, 355). Абдулла Қодирий Кумушбибига нисбатан “**Қиз суратида кўринган малак**” тасвирий ифодасини қўллаган.

**Совчилар** ўзбек халқида ўғил уйлантириш маросимини бошлаб беради. Ўзбекларда қизнинг уйига эркак киши бўлган совчи бўлиб бориши хайрли ҳисобланган. Шу сабабли совчиларнинг обрўси ва нуфузи ниҳоятда юқори бўлган. Совчиларнинг оқ кўнгиллик билан эзгу мақсадни кўзлаши муҳим ҳисобланган. Абдулла Қодирий Мирзакарим қутидорникига келган совчиликлар ташрифини тасвирлар экан, энг жозибадор сўзлардан фойдаланган: — **Муҳаббат** деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладирган

*бир дурри бебаҳодир, — деди Зиё ака. — Қадрдонингиз Юсуфбек ҳожининг ўгли Отабек — бир неча кунлардан буён пинҳоний бир дард билан оғрир эди. Кўринишда унинг қули, аммо ҳақиқатда Отабекнинг маънавий падари бўлган Ҳасанали ота унинг махфий дардининг асли омилни излайдир, бекнинг ўзи бўлса ўз ҳоли тўғрисида ҳеч нарса сездирмай дардин яширадир. Шундоғ қилиб хўжасига ихлослик Ҳасаналининг тажрибалик кузатишидан бекнинг махфий дарди узоққа қочолмай натижада сир очиладир... Шарият ишига шарм йўқ, дейдилар ўртоқ, агарчи сиз билан менга бир мунча оғирроқ бўлса ҳам яна сўзлаб ўтишига ҳожат бор: кунлардан бир кун тақдир шамоли юрадир-да бир кимсанинг иффат пардаси остида ўлтурган қизининг юзидаги ниқобини кўтариб иккинчи томондан бизнинг Отабекни шу афифага рўбарў қиладир. Шу дақиқадан бошлаб бекда у афифага қарши бир ишқ, ҳам чин бир ишқ туғуладир... (5, 46)* Ушбу тасвирда адиб асосий масалага урғу берар экан, луғат бойлигимизда мавжуд *оғриқ* (туркий), *дард* (форсий), *касал* (арабий) каби синонимлардан энг таъсирлисини танлайди. Ўз навбатида Отабекдаги “*пинҳоний дард*”, “*махфий дард*”, “*сездирилмаган дард*” ни юзага келтирган омилга эътиборни қаратади ва унинг сабабчисига юксак маънавий ҳурмат кўрсатган ҳолда очик ишора беради. Абдулла Қодирий кутидорнинг кизи Кумушбибидаги ўзбекнинг аслзода қизларига хос юксак даражада, ҳар томонлама тарбияли эканлигини намоён қилиш учун арабча “*иффат*” (*поклик, номус, ҳаё*) сўзидан фойдаланади. Ана шу сўзга форсча “*парда*” (*тўсиқ*) сўзини бириктирган ҳолда тенгсиз исломий тарбияни кўрсатувчи луғавий ифода яратган. Мазкур фикрни давом эттирган ҳолда Кумушбибинини янада кўкларга кўтариб “*афифа*” (арабча *покиза, тоза, иффатли аёл*) каломини билан улуғлайди. Аслида бу сўзнинг ўзаги “*афиф*” (арабча *покиза, тоза*) бўлиб, инсоннинг ҳар томонлама озодалигини тасдиқлайди: *руҳнинг тозалиги, қалб тозалиги, жисм тозалиги*. Бу ёзувчининг буюк кашфиётидир.

“*Тўй*” сўзи ўзбекларда кўп маъноли бўлиб, унинг замирида “*меҳрга тўймоқ*”, “*дийдорга тўймоқ*”, “*ширин муомалага тўймоқ*”, “*согинчга тўймоқ*”, “*ноз-неъматларга тўймоқ*”, “*хониш-наволарга тўймоқ*” ва шу каби кенг ифодалар жамланган. Абдулла Қодирий кутидорникидаги тўй маросимини куйидагича тасвирлаган: *Кутидорнинг ташқарисига эр меҳмонлар, ичкарисига хотин меҳмонлар тўлганлар, улар қуюқ, суюқ ошлар, ҳолва, нишолдалар билан иззатланадилар. Ташқарида бир қўша созандалар дутор, танбур, гижжасак, рубоб, най ва амсоли созлар билан дунёга жон суви сепиб*

шаҳарнинг машҳур ҳофизлари ашула айтадилар. Тўй жуда ҳам руҳлик... Ичкарида хотинлар мажлиси: оналарча айтканда, улар қум-тупроқдек кўб, бироқ мажлиснинг борлишида тартиб йўқ, ҳавли юзи ва уйлар хотинлар билан тўлган, қайси бири ҳавли юзида бир товоқ ошни еб ўлтурадир, ким йиғлаган боласини овитиш билан овора, бирав ёр-ёр ўқуб, тагин биттасининг қувончи ичига сизмай хахолаб дунёни бузади, хуллас бағ-буғ етти қат кўкдан ошадир... (5, 54). Абдулла Қодирий тасвирга мос луғавий бирликлардан фойдаланар экан, умумлаштириш йўлидан борган, яъни овқатларнинг номини санаб ўтирмасдан “қуюқ, суюқ ошлар” шаклида берган. Ўзбекларда ҳам десерт, овқатдан кийин ейиладиган ширин таомлар (ҳолва, нишолда) мавжудлигига ва ушбу махсус таомлар ғарбликларникидан фарқ қилган ҳолда оғир овқатларни яхши ҳазм қилишга ёрдам беришига ҳам ишора берган. Ёзувчи ўзбекларнинг шинаванда, куй-қўшиқни яхши кўрадиган халқ эканлигига эътиборни қаратган. Адиб тўйда созандаларнинг турли чолғу (датор, танбур, гижжак, рубоб, най)ларни чалиб, ҳофизларнинг машҳур ашулаларни айтиши одатий ҳол эканлигини баён қилган.

“Қизлар мажлиси” янги оила қуриш, яъни ёшларнинг никоҳ тўйидаги энг жозибадор маросим ҳисобланади. Абдулла Қодирий мазкур зиёфатни куйидагича тасвирлаган: *Қизлар мажлиси — гуллар, лолалар, тўтилар, кумрилар мажлиси! Бу уйда — Кумушбибининг тоғасининг уйида қизлар мажлиси, гуллар мажлиси!... Мана, мажлис аъзолари шунақангги бир-биранидан ўтоқ малаклар, парилар эдилар. Мажлиснинг шоирлари, ўйинчилари, чилдирма ва даторчилари — барчаси ҳам ҳозир бўлиб фақат Кумушбибигина ҳаммомдан қайтмаган эди. Шунинг учун мажлис очилмаган, очилса ҳам руҳсизроқ, Кумуш келгач, мажлиска руҳ киришига барча ишонадир ва уни тўзимсизланиб кутади* (5, 56). Ёзувчи ўзбек қизларини гулларга, энг чиройли қушларга, малакларга ва париларга ўхшатган. Ана шу тасвирда адиб ҳозирги адабий тилимиздаги “ўтган” сўзининг ўрнида асл туркий “ўтоқ” шаклини қўллаган. Базмда уни қиздирувчи (шоир, ўйинчи, чилдирмачи, даторчи) ларнинг борлигини таъкидлаган. Маълумки, қизлар йиғини келинсиз зерикарли ва руҳсиз бўлади. Абдулла Қодирий мазкур тасвирда ҳозирги адабий тилдаги “тоқатсиз” луғавий бирлиги ўрнида “тўзимсиз” ифодасини ишлатган. Бу билан ушбу ҳолатнинг руҳиятини тўла намоён қила оладиган сўзни топган.

**Келинчакнинг** қизлар мажлисига латиф дид билан кийинган ҳолда ташрифи барчага завқ бағишлайди: *Кимдир, орадан биттаси “келишди!” деб юборди. Барча қизлар уйнинг даричаси ёнига уймалашиб ҳавлига қарадилар. Чиндан ҳам ул(келинчак) ёнида икки янгаси билан келган эди. Шу чоқда бизга Отабек керак эди! Нега десангиз, ул келсин эди-да, суйганини бир кўрсин эди: ҳаммом билан ул... фақат жонгина сўрайдир, мажруҳ кўксларга ўққина отадир... Бошидаги оқ шоҳи рўймол, ичдаги оқ шоҳи кўйнак, устдаги оқ кумуш заррин сирилган пўстин, бақбақаларни ўраб ўпиб турган ёқа кундузларининг келишкани, солиниб тушкан қора жинггила сочларнинг бўйин теварагига чирмаиқани, хом нуқра юзларнинг бўғриққани...* (5, 57). Ёзувчи бу ўринда Кумушнинг бекиёс гўзаллигини тасвирлар экан, унинг юксак латофатини чин дилдан ҳис қилиш ва англаш учун куёв Отабек кераклигини таъкидлайди. Келиннинг либослари (*оқ шоҳи рўймол, оқ шоҳи кўйнак, оқ кумуш заррин сирилган пўстин*) ва кўриниши (*хом нуқра юз*) даги оқ рангларга алоҳида урғу беради. Адиб шу жойда бадий ифодани янада кучайтириш учун “кумуш” сўзининг синоними (*нуқра*) дан фойдаланган. Абдулла Қодирий тасвирни кучайтириш учун туркий тилларга хос “бўғриқмоқ” феълидан фойдаланган. Мазкур сўз ҳаммомдан чиққандан сўнг соғлом кишиларнинг юзида бўладиган ўзгача жозоба ва товланишни ифодалайди. Бу ҳолатни бошқа сўз билан бериб бўлмайди, шу аснода ёзувчи бадий тасвирни янада кучайтирган.

**Куёвнинг** тўйхонага ташрифи жуда қизиқарли, эътибор талаб бир воқеадир. Куёвнинг кўриниши, кийиниши ва ҳолати барчани ўзига тортади: *Отабек – куяв кўринди: бошида симоби шоҳи салла, устидан қора мовут сирилган совсар пўстин, ичида ўзининг Шамайда тиктиргани осмони ранг мовут камзул, мовут шим: оёғида қалапой афзали, белида Кумушибибининг уста қўли билан тикилган шоҳи қийиғ...* Юзлар қизил, оғиз ирпайган, кўзлар ўйнаб аллакимни қидирадир (5, 61). Ёзувчи бунда симоби (ялтироқ оқ, кумуширанг), қора, осмони (*мовий, кўк*) каби ранглардан фойдаланган. Адиб кўйидаги кийим-бош номларини келтирган: *шоҳи салла, совсар пўстин, мовут (жўн ёки ярим жўн мато) камзул, мовут шим, шоҳи қийиғ*. Ўзбекларнинг одатига кўра куёв келиннинг қўли билан тикилган белбоғни боғлаши керак. Ёзувчи ушбу одатни ҳам кўздан қочирмаган ҳолда куёвдаги кучли ҳаяжон ва юз-кўзларидаги ўзгаришни ўзгача завқ билан тасвирлаган.



— **Сиз ўшами?** Асар воқеалари ривожига кўра келин Кумушбиби куёвнинг Отабек, яъни ўзи тасодифан кўриб қолган *чингилин* (5, 64) йигит эканлигини билмай азобланади. Асарнинг шу жойида ёзувчи сир тутиш усулидан фойдаланган. Абдулла Қодирий романдаги энг хаяжонли ҳолатни шундай қоғозга туширган: *Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, хаяжонланган бир товуш билан сўради: — Сиз ўшами? — Мен ўша, — деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихтиёр термулишиб қолдилар. Кумушбиби оғир тин олиб: — Кўзларимга ишонмайман, — деди. Отабек кўзларини тўлдириб қараб: — Мен ҳам, — деди. Шу вақт икки лаб ўз-ўзидан бир-бирисига қовишди... Кичкина нозик қўллар елка устига, кучлик қўллар қўлтиқ остига ёпиштилар. Кумушбиби Отабекнинг юзига узоқ тикилиб турди-да: — Кутилмаган бир бахт, — деди ва ўзининг отидек бир нарсанинг товиши каби қилиб кулиб юборди* (5, 63–64). Адиб мазкур тасвирни китобхонга қандай етказишни ўйлаб узоқ бош қотирган ва унга мос келадиган ифодани луғат бойлигимиздан роса қидириб топишга муяссар бўлган. Бундай ноёб ва содда сўз қолипи ( — *Сиз ўшами? — Мен ўша*) ни фақатгина Абдулла Қодирий ижод қила олган десак муболаға бўлмайди. Ёзувчи икки ёшнинг висолга эришув лаҳзаларини асл туркий сўз бўлган кенг маъноли “қовишмоқ” феъли орқали берган. Кейинги қолип (*Кутилмаган бир бахт*) ҳам адибнинг фикратида шаклланган беқиёс ижод маҳсули ҳисобланади. Шу жойда Абдулла Қодирий томонидан ишлатилган ўхшатиш (*ўзининг отидек бир нарсанинг товиши каби*) ни сўз устасининг ҳаётий тажрибаси маҳсули бўлган кашфиёт дейиш мумкин.

**Уйланиб қўйиши.** Ёзувчи ўзбек оналари учун ўғил уйлантириш масаласи жуда муҳим эканлиги, унда мақом, насл-насабни сақлаш ва ўз орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариш мақсади ётишини уқтиради. Шу боис бу маросим онанинг иштирокисиз амалга оширилса хайрли бўлмаслигини асослашга ва тўлиқ тасвирлашга ҳаракат қилган: *Отабекнинг Марғилондан уйланиб қўйиши отаси учун унча ризосизликка мужиб бўлмаса ҳам, аммо унинг ўғул тўйисидан бошлаб, Тошканд қизларини ост-уст қилиб у “бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан; бунинг уй-жойлари тузик бўлса ҳам, қизи кўркисиз экан; бунинг қизиди, уй-жойларида тузик, бироқ зоти нас экан” деб қиз, қуда, уй, жой, насл ва насаб текшириб юргучи Ўзбек ойимнинг Отабекни уйландириб бунинг орқасидан кўратурган орзу-ҳавас, тўю томошаларини шартта кесиб қўйган бу уйланишка нима дейиши ва қандай қараши албатта маълум эди. Биттаю битта ўгли Марғилон деган жойда,*

аллакимларнинг қўлида, асли номаълум кишиларнинг қизига уйлансин-да, бу кун-ерта ўғлумнинг орзу-ҳавасини кўраман, деб энтикиб ўлтирган ва ўғул боқиб катта қилган она – Ўзбек ойим **икки кўлини бурнига тиқиб қараб қолаберсин...** (5, 132). Адиб ҳар қандай онани ларзага соладиган ҳолатни, яъни ягона ўғли ундан бесўроқ оила қурганлиги (*Отабекнинг Марғилондан уйланиб қўйиши*) ни кечирилмас ҳодиса сифатида беради. Оналар ҳар доим келин қидириш баҳонасида кўп мезонларни (*қиз, қуда, уй, жой, насл ва насаб текшириб*) назарда тутлади. Агар буларнинг барчаси йўққа чиқса, қайҳолатга тушишини тушунса бўлади. Абдулла Қодирий Ўзбек ойимнинг ушбу ҳолатини **“икки кўлини бурнига тиқиб қараб қолмоқ”** фразеологизми орқали беради.

**Сихрланган ўғил.** Бошқа шаҳардан сўроқсиз уйланган ўғлининг нотаниш келин олдига тез-тез қатнаб туриши, албатта, онасининг ғазабини кўзғайди. Адиб мазкур вазиятни шундай тасвирлаган: *Ўзбек ойим марғилонлик томонидан сихрланган ўғлига қарши қизишиб кетди. Бир йиллардан бери ичига йиғиб келган кинасини тўкиб берди: — Ман сани бу умид билан боқиб катта қилмаган эдим... Сан бизнинг наслимизни кўтариш ўрнига, ерга уриб булгадинг. Биз сани Марғилон андисига бунчалик муккадан кетишингни ўйламаган эдик, адабсиз... ўзингга қолса шу марғилонликни хотинга ҳисоблаб кетаберар экансан-да, уятсиз!.. Отабек ҳам қизишди: — Хотин бўлмаса нима, ахир?! — Қошлиқ, кўзлик бир анди! — Анди деганингиз нима ўзи? Юсуфбек ҳожи ўғлини босиш ўрнига жавоб бер, дегандек қилиб илжайган ҳолда хотинига қаради. Ўзбек ойим «анди» маъносини билдириб, андиларнинг сихрини рад қилиш учун бир оз тутилиқиб қийналди: — Анди... анди... ўзи хитойми, нима бало... ўзи қалмоқдан тарқазган бўладир... Тушунмаган бўлсанг, лўлиларнинг бир тойифаси... Бу жавобга Юсуфбек ҳожи ўзини хахолаб қулишдан тўхтата олмаганидек, Отабек ҳам қулиб юборди* (5, 136–137). Ёзувчи ўғлини тортиб олган нотаниш келинга нафрати чексиз онанинг ҳолатини бериш учун маълум бир сўзлар тизимии ижод қилган. Адиб мазкур вазиятни тасвирлаш учун луғавий бирликлар занжирини қуйидаги шаклда боғлаган. Қаранки, бутун бошли занжирли тасвирда: аламзада онанинг мулоҳазаси (*кина*), яхши ниятлар билан болани вояга етказиш (*умид*), уруғи аслзодалардан бўлган бекач(ж) фахри (*насл*), ана шу улуғликни топташ (*булғамоқ*)га қарши туриш масъулияти кўз олдингизда гавдаланади. Адиб асаарида аслзода табақанинг бурчини ҳис қилмаган ўғилга нисбатан (*адабсиз*),



зоти паст (Ўзбек ойимнинг фикрича) хотин олиб, унинг чизган чизиғидан чиқа олмаётган йигит Отабекка нисбатан (*уятсиз*) калимасини қўллаб юксак бадийлик яратган. Ҳали кўрмаган келинига нисбатан ишлатилган ҳақоратли сўзлар (*қошлиқ, кўзлик бир анди*) ни ёзувчи халқ тилидан олиб чуқур мулоҳазалардан сўнг воқеликни жонли ифодалаш учун асарга киритган. Адиб шу жойда қайнонанинг жўн мулоҳазаси (*анди... анди... ўзи хитойми, нима бало... ўзи қалмоқдан тарқазган бўладир*) ни ҳам бериб ўтган. Мазкур тил бирликлари Абдулла Қодирийнинг ноёб топилмаларидир, улар ёзувчининг шарофати туфайли тилимизда ҳозиргача сақланиб турибди.

**Отанинг мулоҳазаси.** Мусулмонларда, хусусан ўзбекларда ота барчага, ҳатто онага нисбатан ҳам одил мулоҳаза юритувчи шахс ҳисобланади. Ёзувчи мазкур ҳолатни атрофлича текшириб чиққандан сўнг китобхон эътиборига ҳавола қилган. “Ўткан кунлар” романидаги Юсуфбек ҳожи ўзбек миллатининг типик вакилидир. Адиб отанинг тилидан қусурсиз фикрларни баён қилади: *Хотинининг тирноқ остидан кир излаб ва даъвосининг исботи* учун *гўлдирашидан ортиқча кулиб кайфланган Юсуфбек ҳожи кўзига чиққан ёшларни артар экан, жиддият билан ўғлига деди: — Ўғлим, сан онангинг гапига аччишланма. Ул ҳар нарса деса фақат Марғилондан уйланганиннга қаршилигидан айтадир. Аммо мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир ваях билан камсита олмайман, балки бизга қуда бўлмоққа энг мувофиқ кишилар эди, балли ўғлим, дейман. Санинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаган ота-она соғқа ҳисобланмайдир. Сан бунга яхши ишон* (5, 137). Ёзувчи ушбу тасвирда халқона ўзбек ибораси (*тирноқ остидан кир изламоқ*) дан моҳирона фойдаланган. Шу ўринда мослашувли бирикма (*даъвосининг исботи*) билан фикрни тўлдирган. Адиб туркий лексика оид феъл (*гўлдирамоқ*) воситасида мазкур мулоҳазанинг ноўринлигини очиб берган. Абдулла Қодирий ота насихати орқали фарзанднинг бахти ота-она учун нечоғлик қимматли эканлигига урғу берган. Адиб тасвирда фодаланган сўз ва бадий қилиплар воқелик билан уйғунлик касб этган. Бунда ҳам занжирсимон ифодалар жамламаси шаклланган. Аллоҳнинг фарзи (*уйланиш*), бу борада бировдан айб қидириш (*на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир ваях билан камсита олмайман*) ноўрин йўл эканлиги, фарзанднинг бахт-саодати (*санинг тиниб-тинчишинг, ўсиб-унишинг учун қувонмаган ота-она соғқа ҳисобланмайдир*) ота-она учун буюк саодатлиги эканлиги изоҳланган.

**Якуний қарор.** Ҳақиқий ўзбек оиласида сўнгги қарор ота томонидан қабул қилинади. Ёзувчининг бу борадаги топқирлиги ҳам таҳсинга лойиқдир: — *Биз ҳозир андишанинг бандаси, мен эмас онанг биравни ишондириб қўйган: бизнинг оиладан лафсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди* (5, 139). Абдулла Қодирий сўз қўллаш борасида яна ички боғланишли силсила ижод қилган. Ўзбеклардаги буюк инсонийлик (*андиша*)ни барча нарсадан устун қўяди. Элимиз учун асосий муқаддас қўрғон (*оила*) эканлиги таъкидлайди. Миллатимиз учун ёт саналган иллат (*лафсизлик*)ни қоралайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, улуғ адиб Абдулла Қодирий ўзининг “Ўткан кунлар” романидаги ҳар бир воқеликни ёритиш жараёнида сўзларни синчковлик билан танлаган ва ўша вазиятга мос луғавий бирликларни қўллаган. Ҳатто асардаги шеърини парчаларни ўз ёзган (7, 170). Бу эса унинг ёзувчилик қобилияти ҳамда сўз қўллаш маҳоратининг бетакроп эканлигидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. — Т.: Ўқитувчи. 1982. — 166 б.
2. Кошғарий М. Девону луғатит турк. Уч томлик. Иккинчи том. ЎзФА. — Т.: 1963. — 427 б.
3. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. Биринчи том. ЎзФА. — Т.: 1963. — 498 б.
4. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. Учинчи том. ЎзФА. — Т.: 1963 — 460 б.
5. Қодирий А. Ўткан кунлар. — Т.: Шарқ. 1995. — 399 б.
6. Қодирий Х. Абдулла Қодирий (таърифи адиб).. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси. 2004. — 32 б.
7. Қодирий Х. Отамдан хотира. — Т.: Янги аср авлоди. 2005. — 413 б.
8. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. — Т.: Фан. 2000. — 245 б.
9. Раҳмонов Н. Турк хоконлиги. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993, — 145 б.

#### REFERENCES

1. Abdurahmonov F., Rustamov A. *Kadimgi turkii til* (Ancient Turkic language), Tashkent: Teacher, 1982, 166 p.
2. Koshgarii M. *Devonu lugatit turk. Uch tomlik. Ikkinchi tom* (Devonu dictionary Turkish, Three drops. The second roof), Tashkent: Science 1963, 427 p.
3. Koshgarii M. *Devonu lugotit turk. Uch tomlik. Birinchi tom* (Devonu dictionary Turkish, Three drops. The first roof.), Tashkent: Science, 1963. — 498 b.
4. Koshgarii M. *Devonu lugotit turk. Uch tomlik. Uchinchi tom* (Devonu dictionary Turkish. Three drops. The third roof.), Tashkent: Science, 1963, 460 p.
5. Kodirii A. *Utkan kunlar* (Past days), Tashkent: East, 1995, 399 p.

6. Kodirii Kh. *Abdulla Kodirii (ta"rifi adib)* Abdulla Qadiri, definition adib, Tashkent: People's heritage named after Abdulla Qadiri, 32 p.
7. Kodirii H. *Otamdan khotira* (Memory from my father), Tashkent: Generation of the new century, 413 p.
8. Navoii A. *Mukammal asarlar tuplami. 16-zhild* (A perfect collection of works, Vol.16, Tashkent: Science, 2000, 245 p.
9. Rahmonov N. *Turk khoqonligi* (Turkish Khakassia), Tashkent: People's heritage publishing house named after Abdulla Qadiri, 1993, 145 p.